O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий тиклариш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 31-may, chorshanba, 22 (352)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

1 ИЮНЬ — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Кетиб қолма, беғубор фасл!



Болаликка ортиқча таърифнинг кераги йўқ. У соддалиги, қизиққонлиги, беғуборлиги билан гўзал. Қандай кайфиятда бўлсак ҳам болалигимиз ёдимизга тушганда кўнглимиз ёришиб, орзиқиб кетади, ҳаётга муҳаббатимиз ортади. Ширин хотираларни эслаб, жилмайиб қўямиз. Нимага шундай экан-а?



Назаримда, бу саволга жавоб бериш учун «Болалигим - пошшолигим» дейишнинг ўзи кифоя. Сабаби, эркалик ҳам, шўхлик ҳам болаликка яраша-ди-да! Аҳлингизни таниб, катталар қаторига қўшилиб қолганингиздан кейин бу қилиқларингиз ўзингизга ҳам эриш туюла бошлайди. Билиб-билмай қачондир болалик билан хайрлашгансиз. Энг қизиғи, қачон шундай бўлганлигини ўзингиз ҳам билмайсиз. Фақат бир нарсани тан оласиз, бугун ёш бола эмассиз! Турмуш ташвишларидан ҳориган пайтингизда елкангизга ўғлингиз ё қизингизни опичлаб олиб, завқланасиз. Ҳаёт ташвишларини бир зумда унутасиз, чарчоғингиз чиқади.

Болалик билан болаларча тилда гаплашасиз. Кўнглингизда илиқлик пайдо бўлади, бир кунгина бола бўлиб қолгингиз келади. Болалар билан ўтган ҳар бир лаҳза ширин. Шунинг учун бўлса керак, руҳшунослар узоқ вақт хотиржам ва саломат умр кўриш учун дунёга болаларнинг кўзи билан боқишни маслаҳат беришади.

Бугуннинг болалари бошқача, сизни саволга тутса, шошириб қўяди. «Биз анча содда бўлган эканмизда!», — деб қўясиз уларнинг қизиққонлигидан, топағонлигидан ҳайратланиб. Болангиз тўлиб-тошиб гапиради ҳайратларини. «Худди ўзингга ўхшабди», — деб қўяди онангиз қақажон набирасини бағрига босиб. Яна юрагингиз орзиқиб кетади. Эркалангингиз келади, лекин уяласиз. Энди бу сизга ярашмайди.

Гоҳида хаёлга толасиз: яшаб юрибмиз эканда-а, умримизнинг энг гўзал палласи билан хайрлашиб, деб. Болаларга қўшилиб қувонишни ўргансак, яшаш жуда қизиқарли. Болаликнинг кўзлари ҳайратга тўла, орзулари гўзал. Бир кунга бўлса ҳам болаларга берайлик дунёни!

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат-лавҳалар

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Учтепа туман кенгаши ташаббуси билан 106-мактабда «Гўзалликдан яралган дунё» мавзуида Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева ва таниқли болалар ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев билан учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилояти Зарбдор туман кенгаши ташаббускорлигида Халқ депутатлари вилоят кенгашига сайланган депутатлар билан «Халқ ваколати — олий масъулият» мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

* * *

Тошкент шаҳри Миробод тумани халқ таълими бўлими биносида «Давлат тили — фахримиз, ғуруримиз» мавзуида иншолар танловининг учинчи босқичи ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти кенгашида Президентимизнинг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида йиғилиш ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент вилояти Бекобод туман кенгаши томонидан «Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда партия ташкилотларининг ўрни» мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Андижон вилояти Асака туман кенгашида «Аждодлар мероси — маънавиятимиз хазинаси» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Фарғона вилояти Ёзёвон туман кенгаши ташаббуси билан 33-мактабда «Миллий тикланиш партиясининг жамиятдаги ўрни» мавзуида мулоқот бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Хоразм вилояти Янгиариқ туман кенгашида ёшларимиз тафаккурида меҳр-мурувват, саховат фазилатларини мустаҳкамлаш мақсадида «Миллий қадриятларимизнинг саховатлиси ҳомийликдир» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилояти Чортоқ туман кенгаши «Ёшларимиз камоли — юртимиз жамоли» мавзуида тадбир ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар кенгаши ташаббуси билан Термиз марказий шифохонасида «Оқ либосли фаришталар» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Тошкент шаҳар Юнусобод туман кенгаши томонидан 70-мактабда «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Андижон вилояти Булоқбоши туман кенгаши ташаббуси билан 13-мактабда «Инсон ва унинг манфаатлари муқаддасдир» мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туман кенгашида «Оила — муқаддас Ватан!» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Бухоро Давлат университетида ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши ташаббуси билан «Юксак маънавият — тинчлик ва барқарорлик гарови» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати.

ЗОБИТ БЎЛИШГА АҲД ҚИЛГАН ЙИГИТ

Собиқ иттифоқ даврида ота-оналар фарзандларини минг ҳадик ва хавотир билан ҳарбий хизматга кузатишар эди. Қайси жойга бориб хизмат қилишини аввалдан ҳеч қайси йигит билмас, кимдир совуқ ўлкаларга жўнатилса, яна кимдир тинчлик барқарор бўлмаган таҳликали ҳудудларда бурчини адо этарди. Сир эмаски, ўша пайтда турли хил баҳоналар билан фарзандини хизматдан олиб қолишга уринишлар тез-тез учраб турарди.

Ўзим ҳам хизматни Шимолий Кавказ ҳарбий округида ўтаганман. Ўшанда «Қорабоғ» можароси айни авжига чиққан дамлар. Уйга қайтганимдан сўнг онам шўрликнинг «Икки йил йўл қараб юрагимни ҳовучлаб ўтирдим» дегани ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Ҳозир-чи? Бугунги аскар йигитларга ҳавасимиз келади. Ўз мустақил Ватани бағрида хизмат қилиш, унинг сарҳадларини ҳимоя этиш бахтига муяссар бўлиш қандай яхши! Ҳар жабҳада бўлгани сингари юртимиз истиқлолга эришгандан сўнг ҳарбий соҳада ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Қисқа фурсат ичида миллий армиямиз шаклланди.

Аскарлик ўсмирликнинг куч ва ғайратга тўлган даврига тўғри келади. Йигитларнинг ҳаётий тажрибалари ошишида, чиниқишларида армиянинг ўрни беқиёс. Имтиёз билан ўзи ҳоҳлаган олийгоҳга ўқишга киришни ким хоҳламайди дейсиз? Бундай имконияттнинг ҳукуматимиз қарорига асосан хизмат жараёнида ўзини кўрсата олган аскарларга насиб қилиши ҳам йигитларнинг армиямизга бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

— Ўғлимни аскарлик кийимида кўриш насиб қилганидан бахтиёрман,— дейди андижонлик оддий аскар Абдурашид Фозиловнинг онаси Руқияхон Фозилова.— У оилада катта фарзанд, муддатли хизматдан сўнг олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирмоқчи. Биз унинг бу қароридан хурсанд бўлдик.

Зобит бўлиш мураккаб, шу билан бирга ўта шарафли касб. Бошқа ўқув масканларидан фарқли ўлароқ, ҳарбий билим юртлари ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Курсантликка номзодлар орасидан ҳар томонлама соғлом, бақувват ва билимдон ёшлар танлов асосида саралаб олинади. Тиббий ва жисмоний кўрикдан ўтганлар тест синовлари асосида имтиҳон қилинади. Барча босқичлардан муваффақиятли ўтганларгина курсант деган номга лойиқ бўлади.

Аскар уйига қайтди

Бугунги курсант — эртанги зобит. Бундай шарафли касбни эгаллаш эса Ватаннинг асл, мард ўғлонларигагина насиб этади. Эл-юрт осойишталигини асрашга бел боғлаганлар ҳар қандай хавф-хатарга тик боришдан асло чўчимайди. Ватан, халқ тақдирини ўз тақдиридан устун кўяди.

Сўзимизнинг сўнгида оддий аскар Абдурашид Фозиловдек зобит бўлишга аҳд қилган йигитларимизнинг барчаси ҳам курсант деган номга лойиқ бўлишини чин дилдан тилаб қоламиз.

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.

● *Партия ҳаёти*

ҲАФТА ҚАНДАЙ ЎТДИ?

· Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаш девонининг йиғилиши бўлиб ўтди.

· ЎзМТДП Марказий кенгаш девони ходимлари «Экосан» халқаро хайрия жамғармасида «Ўзбекистоннинг экотуристик имкониятлари» мавзуида ўтказилган йиғилишда қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

· Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партия фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда фракция аъзолари, партия Марказий кенгаш девони ходимлари ва Марказий кенгаш аъзолари иштирок этишди.

· Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида 5 та сиёсий партия вакиллари иштирокида институт раҳбарияти билан мулоқот ўтказилди. Йиғилишда сиёсий партиялар фаоллари келгусидаги режалари ҳақида гаплашиб олишди.

· ЎзМТДП икки кунлик ўқув-семинар ўтказиш режасини ишлаб чиқди.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТАЁТИР. НАШР КЎРСАТКИЧИМИЗ — 158.

КУТУБХОНА — ЗИЁ МАСКАНИ

Республика Давлат болалар кутубхонасида «XXI асрда болалар китобхонлиги» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, мамлакатимиздаги айрим нашриётларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва халқаро жамғармаларнинг вакиллари, олимлар, лицей ва мактабларнинг ўқитувчилари, ёзувчилар, кутубхоначилар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Давра суҳбати аввалида машҳур ўзбек маърифатпарвари, халқ таълими аълочиси Шокиржон Раҳимийнинг ижод йўли ҳақида профессор Наим Каримов маъруза қилди.

Филология фанлари доктори Баҳодир Каримов бугунги кунда нафақат болалар, балки талабалар орасида ҳам китоб ўқиш даражаси пасайиб кетганлиги ҳақида куйиниб гапирди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси бўлим бошлиғи Эркин Малик сўзга чиқиб, шу вақтгача нашриётда 192 номдаги бир неча миллион дона китоб нашр қилинганлиги ва Самарқанд шаҳридаги 60 та китоб дўконидан фақат иккитасигина ишлаётганлиги тўғрисида гапирди. Республикамиз бўйича 25 та мактабга битта кутубхона тўғри келаётганини , аслида эса ҳар уч-тўртта мактабга битта кутубхона хизмат қилиши кераклигини ҳам айтиб ўтди.

Йиғилишда болаларнинг китобхонлик савияси пасайиб кетганлиги, ёш авлод қалбида китобга меҳр уйғотишда оиладаги муҳитнинг таъсири катталиги таъкидланди.

· Давра суҳбатини ўтказишдан асосий мақсад ёш авлодни китобхонликка, китобга қизиқтиришдан иборат эди.

Тадбир сўнгида таниқли болалар шоири Турсунбой Адашбоев кутубхона жамоасига эсдалик учун ўз китобларидан тақдим этди.

Нигора ЎРАЛОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.

ЭЗГУЛИК УЙИ

Эзгуликнинг эрта-кечи йўқ, дейишади. Инсон руҳияти, кўнглига қилинган хайру саховат ҳар қандай моддий эҳсондан устундир. Жисмонан хаста бўлса-да, мурғак қалблар руҳан талпинаётган дунё фақат эзгулик учун яралгандай, эзгулик уни асраб тургандай.

Яқинда Тошкент шаҳар Юнусобод туман халқ таълими бўлимига қарашли 560-«Семурғ» номли реабилитация марказида саводхонлик байрами бўлиб ўтди.

Унда марказнинг 1-синф ўқувчилари Ватан, ота-она, устоз, мактаб ҳақидаги билимларини шеър-қўшиқлар орқали ифода қилишди. Шунингдек, болажонлар кичик саҳна кўринишлари, «Алифбе» билан хайрлашув каби чиқишлари билан меҳмонларни завқлантиришди. Байрам сўнгида мактаб маъмурияти тамонидан алифбени тамомлаган ўқувчиларга ўқиш китоби совға қилинди. Болажонлар байрамга анча тайёргарлик кўришган экан.

Куннинг иккинчи ярмида марказ жамоасининг ота-оналар ва меҳмонлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда ЎзМУ ҳузуридаги Олий адабиёт курси тингловчилари, Абдулла Авлоний номидаги малака ошириш институти ва туман халқ таълими бўлими ходимлари ҳам қатнашдилар.

Биз билан суҳбатда марказ директори Фарида Ҳусанова шундай дейди:

— Марказимиз 1988 йил ташкил топган. Ҳозир бу ерда 130 нафар бола тарбияланади. Мия фалажи билан оғриган, 2 ёшдан бошлаб марказимизга қатнаб келаётган ақли заиф болаларимиз бор. Бу — Азизахон, икки томонли гимогрес бўлган, Мавлудахон исмли бу қизимиз эсамияпатия касаллиги билан оғриган, ҳозир аҳволи анча яхши.

Физотерапия, логопед хоналари ишлаб турибди. Нутқ ўстириш билан шуғулланамиз. Куннинг иккинчи ярмида руҳшунослар болаларга расмлар чиздириб, индивидуал машғулотлар олиб борадилар. Бу йилдан бошлаб инглиз тили, рақс тўгараклари очдик. Болажонларимиз билан фидойи, меҳрибон аёлларимиз ишлайди. Шунинг учун яхши самараларга эришаяпмиз. Бир йилда 25-30 тача болани оёққа турғизаяпмиз.

Бугун келган бувилар, ота-оналар ҳаммаси билишади — кўпчилик болаларимиз келган пайтда жуда оғир аҳволда бўлишган.

Кўп жойлардан ҳомийлик ёрдамлари бўлмоқда. Шулар эвазига яқинда қишки ҳавза қурмоқчимиз. Байрамларда совғалар тайёрлаб келиб болаларимизнинг кўнглини кўтараётган «Зебунисо ая» фирмасидан миннатдормиз.

Йиғилиш сўнгида меҳмонлар марказ ҳаёти билан танишишди. Биз Давронбек, Элёр, Вазира сингари тарбияланувчилар билан суҳбатлашдик. Иброҳим исмли болакай келажакда саньаткор бўлмоқчилигини айтиб, бизга қўшиқ куйлаб берди. Мавлуда исмли қизалоқ эса ўқитувчиликка қизиқар экан, у шу касб ҳақидаги тасаввурларини сўзлади.

Барчанинг кўзида раҳм ва меҳр ифодаси балқиб турарди. Болалар ногиронлик аравачаларига боғланиб ўтирган бўлишса ҳам кўнгли ўксимай ўсаётгани қувонарли ҳол. Шу ўринда савоб ишга қўл ураётган фидойи шифокорлару меҳрибон мураббияларга раҳмат айтгимиз келди.

Ўлмасбек ХЎЖАЕВ.

ҒАФУР ҒУЛОМ УЙ-МУЗЕЙИДА

Ўзбек халқининг табиатан меҳмондўстлиги, бағрикенглиги, мурувватпешалигини билмоқчи бўлган хорижий сайёҳга кўрсатиш мумкин бўлган жойларимиз кўп. Масалан, улардан бири — Тошкентнинг Бешёғоч майдонидаги «Арпапоя» кўчасида жойлашган академик шоир Ғафур Ғуломнинг уй-музейидир.

Шоир ҳаётлигида бўлгани каби ҳозир ҳам бу уйнинг дарвозаси очиқ. Ғафур Ғулом бир шеърида: «Бахт уйида тунаб ўтинг, дўстларим», деганди.

Чинакам истеъдод эгаси билан бутун бир халқ фахрланиши мумкин. Академик шоир Ғафур Ғулом 63 йил умр кўрди. У болаликнинг эркаликларидан йироқда бўлиб, етимликнинг заҳматларига шерик бўлди. Турмуш машаққатлари ҳам уни тоблади, халққа яқин қилди.

Шоир қалби покнинг сўзи пок ва ўзи пок бўлишини ижодкор сифатида бир-биридан ажойиб асарлари орқали исботлади. Одамлар ичида бўлиш, улар билан мулоқот қилиш унинг дунёқарашини кенгайтирди. 1926 йили Ғафур Ғулом «Ҳаёт» деб номланган мактаб-интернатга директорлик қилганди. Кейинчалик у «Сен етим эмассан» деган шеърини ёзди. Шоирнинг «Вақт» шеърини ўқиган китобхон Ғафур Ғуломнинг теран мушоҳада юрита олишига тан беради. «Шум бола» қиссаси ва қатор ҳажвий асарлари эса китобхонни табассум билан фикрлашга чорлайди.

Бошқа республикаларнинг Тошкентда бўлиб ўтадиган адабиёт ва санъат ўн кунликларида бу уйда ҳақиқий байрам ҳукм сурарди. «Унинг уйи ҳақиқий поэзиянинг, ҳақиқий шоирларнинг бошпанаси бўлган», — деб ёзган эди Николай Тихонов. Бу ерда Навоий, Ҳофиз, Саъдий, Фурқат, Бедил, Пушкин, Маяковскийнинг шеърлари жаранглади. Николай Тихонов ва Ираклий Абашидзе, Ярослав Смеляков ва Петрус Бровка, Михаил Светлов ва Ойбек, Мирзо Турсунзода ва Расул Ҳамзатов, Николай Грибачев ва Самад Вурғун, Қора Сейлиев ва Владимир Державин сиёҳи қуримаган шеърларини ўқишган. Ҳинд ёзувчиси Гулбахш Сингх ўғли билан Ғафур Ғулом уйида меҳмон бўлган. Шоирнинг санъат ва маданият арбоблари билан учрашувлари бениҳоя кўп бўлган.

Фотосуратларда чилилик шоир Пабло Нерудани, турк шоири Нозим Ҳикматни, ҳинд актёри Раж Капурни, ўзбек актёри Аброр Ҳидоятовни, рус ёзувчиси Константин Федин ва Константин Симоновни, шоира Зулфияхонимни кўриб, ўша давр муҳитини ёрқин тасаввур этасиз. Мемориал уй ва икки қаватдан иборат уй-музей экспонатлари дид билан жойлаштирилгани бу ерда хизмат қилаётган музей ходимларининг маҳоратидан дарак бериб турибди.



Шоир таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан 1983 йили Ғафур Ғулом уй-музейи ташкил этилган. 1988 йили музей экспонатлари бойитилган ҳолда адабиёт мухлисларига ҳавола этилди. Ғафур Ғуломнинг 100 йиллиги муносабати билан икки қаватли янги бино қурилиши бошланиб, у 2004 йили фойдаланишга топширилди.

Арпапоя кўчасидаги биринчи хонадонга Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фаоллари йиғилдилар. Уй-музейга бир гуруҳ партия фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Жума Чоршанбиев, Раъно Зарипова, Мунира Қориева, Марказий кенгаш раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова, партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Жаннатой Тошматовалар билан бирга қадам қўйдик.

Мемориал уй-музейини зиёрат қилиш шоир яшаган ҳовлидан бошланди. Ораста, ўзбекона ҳовли гулларга бурканган. Меҳмонлар учун мўъжазгина жой ҳозирланган, дастурхон ёзилган, кўрпачалар тўшалган. Миллий анъанавий безак берилган айвонда ҳам кароват, унинг тўрт томонида кўрпачалар... Ҳовлининг бурчагида шоирнинг илҳом оғушида ўтирган ҳолатдаги бронзадан ясалган ҳайкали бор.

Ўша куни партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан шоир ҳайкали пойига қўйилган гулдаста ва шоир мухлисларининг анвойи гуллари ҳовлининг файз-тароватини янада оширди. Ғафур Ғуломнинг катта қизи Олмосхон Аҳмедова ойласи ҳақида гапириб берди. ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова шоирнинг қизи ва сафдоши, таниқли журналист Холида Аҳороватва партия номидан эсдалик совғаларни топширди. Йиғилишда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги академик лицей ўқитувчилари Манзура Мирзаҳамдамова, Зайниддин Жўллиев етакчилигидаги бир гуруҳ ўқувчилар ҳам қатнашдилар. Саволжавоб, мунозара, шеърхонлик бўлди.

Миллий истиқлол ғоялари билан тарбия топаётган ёш авлоднинг камолот йўлларида, шубҳасиз, академик шоир Ғафур Ғулом ижоди ҳам муҳим ўрин тутади. Ғафур Ғулом аллома сифатида ҳам ёшларга ибрат бўла олади. Уй-музейига келганлар бир олам таассуротлар билан қайтишди.

Насиба ОЧИЛОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси.



Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг «Хориждаги ватандошлар билан алоқа боғлаш» бўлимига кўплаб муҳожир ўзбеклар ташриф буюрадилар. Уларнинг кўпчилиги ўтган асрнинг 30-йилларида «қулоқ» қилиниб, хорижга кетганлар ёки ватандошларимизнинг авлодларидан иборат.

ВАТАН СОҒИНЧИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Бўлим қошида «Хориждаги ватандош дугоналар учрашуви» давраси мана, ўн йилдан буён жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Дўстлик жамияти чақириғи билан юртимизга келган муҳожир ватандош аёлларнинг ота юртни зиёрат қилиш, хеш-ақраболар, юртдошлар билан дийдорлашишдек эзгу орзулари ушалмоқда. Уларнинг баъзиларига бу бахт етмиш йил деганда насиб қилди.

— Мен 21 ёшимда Ватандан ёт элларга кетганман. Отам Андижоннинг ҳоким тўраларидан эди. Шўролар отамни ўз уйи омборхонасига осиб ўлдирдилар. Раҳматли отамнинг устунга осилиб ётган жасадини олишга рухсат бермаган шўро аскарларидан қочиб, ўша тунда оиламиз билан Ватандан бош олиб кетганмиз. Чунки бизнинг ҳаётимиз ҳам хавф остида эди. Афғонистон орқали Покистон, Ҳиндистон, сўнгра Саудия Арабистонининг Макка шаҳрига келдим. Отамнинг устунга осилган жасади, онамнинг ҳушсиз ҳолати, қариндош-уруғларнинг жавдираган кўзлари ёдимга тушиб кўп йиғлардим. Турмушимиз, рўзғоримиз бироз изга тушгач, Тоиф шаҳрига кўчиб, у ерда «Андижонбоғ» отли боғ яратдик. Боғда ҳосил кам бўлган кезлар бозордан ўрик, шафтоли, узум меваларини олдириб келар, уларни ип билан дарахтларга боғлатиб, юртдош аёлларни боғ сайлига таклиф этардим. Келган меҳмонлар «ҳийлам»ни билсалар-да, менинг кўнглим учун: «Боғингиз худди ўз юртимиздаги боғларга ўхшайди», — деб айтишарди.

Бу — саудиялик юртдошимиз Мунисхон аянинг армонли сўзлари. Ота-боболари Тошкентнинг Зангиота қишлоғидан «қулоқ» қилинган Мукаррам Фахриддиннинг сўзларида ҳам Ватан қадри, соғинч ва армон туйғулари аксланади:

— Биз Афғонистонда уруш мусибатини кўрдик. Кўплаб афғон аёллари қатори мен ҳам бомбадан вайрон бўлган уйимни ташлаб, олти фарзандим билан ота юртим — Ўзбекистонга йўл олдим. «Толибонлар» ҳужуми хавфи остида кундузлари сув қувурлари ичига яширинib, қоронғу тушганда йўл юриб, Термизга кириб келдик. Бир замонлар шўролар зулмидан қочиб, Амударё орқали афғонга қочган ота-боболаримиз каби яна Амударё орқали келдик юртга. Фарқи — биз озод ва ҳур, мустақил Ўзбекистонга қайтдик.

Ватан қадрини, унинг муқаддаслигини юртдан, туғилган элидан айро тушган биламиз. Отаси Марғилон шаҳрининг Оқ мачит маҳалласидан «қулоқ» бўлган Азиза Салим ҳам Ватанни ўз тили билан айтганда чанг ва лой кўчалари-ю, содда, меҳмондўст одамлари билан суяди...

Аллаларида юрт номини улуғлаб, фарзандлари кўнглига ҳам ўзбек, Ўзбекистон номига меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдириб яшаётганлари хорижлик ватандош аёлларнинг ота юрт олдидаги фарзандлик бурчини адо этишдек эзгу мақсадларининг чин маънодаги ифодасидир.

Муқима АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши матбуот котиби.

МУАММОЛАР ЕЧИМИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА ЭМАСМИ?

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолиятини ошириш, ёшларни бўш вақтларида маънавий-маърифий ишларга йўналтириш жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бугун аёлларга иш йўқ, қишлоқ ёшлари ўртасида ишсизлик ошиб боряпти дейиш осон.

Аммо ҳақиқий аҳвол қандай? Ҳар йили ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида юздан ортиқ ўғил-қизларимиз мактабни битирадилар. Уларнинг 30 фоизи ўрта махсус ёки олий ўқув юртига кириб ўқишни давом эттиряпти, қолгани маҳаллаларда қоляпти. Уларнинг бўш вақтларини фойдали меҳнат билан ўтказиш учун биз иш ўринлари яратишимиз, тўгарак ва курслар ташкил этишимиз, ёшларни бирор фойдали касбга йўналтирувчи устозшогирд анъаналарини йўлга қўйишимиз, шу орқали улар онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш лозим эмасми?!

Шуларни ҳисобга олиб, ЎзМТДП Фарғона вилояти Риштон туман кенгаши ҳамда Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими савобли ишга қўл урди. Маҳаллалар билан ҳамкорликда турли курслар очиб ёшларни ўқитишни йўлга қўйиш орқали диплом-сертификат беришни амалга оширишни режалаштирдик. Маҳалла аҳллари бу масалада қандай ёрдам керак бўлса, тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Шулардан келиб чиқадиган бўлсак, имкониятлар ўз қўлимизда. Ҳар қандай муаммонинг ечими мавжуд бўлади. Шундай бўлгач, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, уларни ҳал қилиш ўзимизнинг ҳафсаламизга, ҳаракатимизга боғлиқ.

КОМИЛ ИНСОН — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Абу Наср Форобий, Алишер Навоий каби мутафаккир боболаримиз асарларида комил инсон ғояси юксак маҳорат билан ифодаланган. Улар ўз асарларида комил инсон тарбиясига катта аҳамият берганлар. Бу халқимизнинг азал-азалдан комилликка интилиб яшаганидан далолат беради.

Ҳукуматимиз мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин биз — зиёлилар олдига катта масъулият ва муҳим вазифаларни қўйди. Жумладан, ёшларни истиқлол ғоялари, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялаш партиямиз фаолиятининг асосига айланди. Соғлом авлодни тарбиялаш, ёшлар маънавиятини шакллантириш орқали комил инсонни вояга етказиш мумкин. Ёшларнинг бу борадаги фикри билан ўртоқлашиш, ибратли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш муҳимдир.

Ёшларнинг маънавий-маданий дам олишларини ташкил этиш , уларни маънавият ўчоқлари — кутубхоналарга жалб этиш, турли кўнгилочар тадбирлар ўтказиш ҳам ишимизда ижобий натижалар бермоқда. Бунда мактаб, ота-оналар, маҳалла, жамоат ташкилотлари ва кенг омма ҳамкорлиги йўлга қўйилса, айни муддао бўлар эди.

Асадулла СОЛИЕВ,
ЎзМТДП Риштон туман кенгаши раиси.

ТАЖРИБАЛИ МУРАББИЙ

Бизнинг жамоада ёшларнинг пухта билим олишлари, касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллашлари учун барча шароитлар етарли. Талабаларга билим сирларини ўргатишда ўқитувчи ва мураббийларнинг билим ва тажрибалари қўл келмоқда. Шундай устозлардан бири 1-тоифали тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, кафедра мудири Пўлатжон Бойназаров ёш бўлишига қарамай, ҳурмат ва эътиборга лойиқ. Дарсларни техника воситалари, ўқитишни интерфаол, ноанъанавий ва янги педагогик технологиялар асосида олиб боради. Илмий мақолалар, қўлланмалар, маъруза матнларининг сифати ва мазмунига алоҳида эътибор қаратади. Шу билан бирга, бир қатор оммавий ахборот воситаларининг жамоатчи мухбиридир. Унинг шогирдлари фан олимпиадаларининг вилоят, республика босқичларида муваффақиятли иштирок этиб келади.

— Инсон нафақат ўз касбининг устаси, балки жамият ҳаётининг ҳам фаол иштирокчиси бўлиши керак, — дейди у.

Биз Пўлатжоннинг эзгу мақсадлар йўлидаги интилишларига омадлар тилаймиз.

Қ.АШУРОВ,
Бўз педагогика коллежи директори ўринбосари.

ҚАҲРАМОН ШОИРИМИЗНИ ЎҚИБ

Туйғулар одамни инсонлик доирасида ушлаб турадиган куч. Миллий туйғу деган гўзал бир атама борки, бу тушунчадан одам боласи ўзгача бир руҳий қувват, озуқа олади. Шоирлар ўз асарларида кўпинча ўқувчи қалбида ана шу бебаҳо ҳиссиётни уйғотмоқчи бўлишади. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъриятини кузатганимизда, шу фикр такрор-такрор хаёлдан ўтади.

Халқим, тенгсиз фарзандлар
бергансан-ку дунёга,
Зар қоғозга ишқибоз мурғдай
устин ёпгансан.
Сўнг юз йиллаб фаромуш
кўзинг тикиб самога
Дафинаю ганжинанг эслатишса,
топгансан.
Беруний бобомиз — шу исми ҳам
Абу Райҳон,
Ба форси гуфтам гар аз замони
пур Сино.
Бу зотни етиштирган
қадим шарқ, кўҳна жаҳон,
Кумуш соқол, тилло бош
асл қомусий даҳо.

Бу сатрларни ўқиганимизда, кўз ўнгимизда кўҳна тарих гавдаланади. Бир лаҳзада ана шу тасаввуримиз билан олис замонларга боғланамиз. Ҳаёт мураккабликлари рўпарасида кичрайиб турган қалбимизда ажиб бир юксалиш ҳис этамиз:

...Ушоққина одамман,
жуссам отамдан ҳадя,
Лекин майда ҳисларни
ёқтирмас асло жиним.
О, буюк Шарқ, буюк Шарқ,
сенинг шавкатинг дея,
Не буюк фарзандларинг
заҳмат чеккан бетиним.

Шоирнинг сатрларидан-сатрларига кўз югуртириб ўтар эканмиз, ўзимизни қудратлироқ ҳис этамиз. Айнан ўша туйғулар бағрида бутун бир миллат, халқ баландликда кўринади. Юртимиз, ундаги тоғлар, дарёлар, чаманлар — ҳамма-ҳаммаси кўзимизга иссиқ, суюкли туюлади.

Худди шундай туйғулар аро биз ўзимизнинг кимлигимиз, қандай халққа, қандай азиз юртга дахлдорлигимизни яна ҳам аниқроқ тасаввур этамиз.

Бундай кечинмалар қаҳрамон шоиримизнинг бошқа тарихий мавзулардаги шеърларида ҳам сезилади. Шоир тарихий мавзуда ёзган шеърларининг қудрати шундаки, ундаги образлар минг бир ришталар орқали Ватан номи, Ватан шарафи билан боғланаверади. Ўқувчи фақат шеърдаги воқелик ёки образ билан қолиб кетмайди. Қалбида юрт чаманлари гул очаверади, кенгликлари ястаниб, баландликлари бўй кўрсатаверади. Бу шеърлар фақат маълумот берувчи эмас, кўнгилни Ватанга боғловчи рангин, чайир ипаклардай ёқимли, дилтортар.

Юлдузлар мисоли кулганда руҳим,
Бўронли ҳисларга тўлганда руҳим,
Баъзан шеър устида сўлганда руҳим,
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим
мадад...

— дейди шоир пири комил Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги шеърида. Демак, ижодкорнинг ўзи ҳам тарихий мавзудаги шеърларидан, тарихдаги буюк зотлардан қувватланади.

Вақт ўтиши билан ҳар бир кун тарихга айланади. Бугуннинг ҳам қаҳрамонлари бор. Мустақил Ватанни бор бутунлиги билан намоён этиш осон кечаётгани йўқ. Бугунни ҳам келажак авлодларга елкасида кўтариб, кўприк бўлиб олиб ўтаётган шахслар бор. Улардаги кўлам, ғурур ҳисси эртанги шеърият учун ҳам андоза бўлади. Чунки миллат яшар экан, миллий фахр ҳиссиёти ҳам яшайди.

Нилуфар МИРЗАЕВА,
Андижон Давлат университети аспиранти.

ЮБИЛЕЙ НИШОНЛАНДИ

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти кенгаши ташаббуси билан шоира Раъно Узоқова таваллудининг 90 йиллиги кенг нишонланди.

Шоиранинг ўзбек халқ оғзаки ижоди ва классик поэзиямиздан озиқланган лирик шеърлари, ғазаллари, достон ва ҳикоялари замирида юксак маънавий фазилатлар ўз ифодасини топган. Раъно Узоқованинг шу пайтгача олтита китоби нашрдан чиққан ва китобхонлар кўнглидан жой олиб улгурган. Шоира юбилейи муносабати билан ўтказилган тадбирларда шоирлар Сирожиддин Сайид ва Салим Ашурлар иштирок этишди.

Дастлаб Термиз Давлат университетида адабий кеча бўлиб ўтди. Кейин тантаналар шоира номи билан аталадиган Денов педагогика коллежида давом этди. Шоира хотирасига бағишлаб ташкил қилинган кўргазмали музейга унинг қўлёзмалари, китоблари қўйилди. Коллежнинг мажлислар залида бўлган йиғилишни Денов тумани ҳокими Абдусамад Хожиқулов шоиранинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маърузаси билан бошлаб берди. Кечада шоиранинг шеърлари ўқилди, асарлари асосида тайёрланган саҳна кўринишлари қўйилди, қўшиқлар қўшиқларга уланди.

Йиғилиш охирида Самарқанддан келган Раъно Узоқованинг қизи Раҳима Узоқова ҳамда невараси Гулбаҳорхонлар сўзга чиқиб, тадбир ташкилотчиларига, сурхондарёлик адабиёт шинавандаларига миннатдорчилик билдиришди.

Жуманазар АНОРОВ.

ЁШЛИКДА ЎРГАН ҲУНАР

Ҳунар — ҳар бир инсоннинг кўрки, ризқу рўзи. Юртимизда бугунга келиб ҳунармандчиликка кенг йўл очилган. Эркин нафас олиб, ишингдан завқланиб меҳнат қилаверасан.

— Етти ўғлим ва уч қизимдан ҳеч бири ўқиёлмади, лоақал бирортаси ўқишга хоҳиш билдириб, шарт-шароит яратиб беришимни ҳам сўрамади, — деб куюнади бир онахон. — Мана, энди келинлар олдида хижолатдаман. Рўзғорда ҳали у йўқ, ҳали бу...

Онахон билан узоқ суҳбатлашдик.

— Токай ўғилларингиз бамақсад, бесамар юришади? Ахир қирқ ёшда бўлса ҳам ҳунар ўрган, бир кун асқотади, дейишган-ку, — дедим бироз истиҳолада.

— Ёшликда ишлаб ўрганишмаган. Қайдам, кўнишармикан?

Мана — безорилик, ўғрилик ва ҳатто оғир жиноятлар кўчаси бошланадиган остона. Бугун ота ёки она ғуруридан кечиб, қора қозонни қайнатар. Эртага фарзандлари алоҳида рўзғор қилиб чиқишганда-чи?! Шунда уларнинг турмуши қандай кечади?

Бир қўшнимиз бор. Ўзи яхшигина идорада ишлайди. Яна маҳалла-куйда қўшнилари билан устачилик ҳам қилади. «Қўли гул усталар» дейишади уларни. Беш ўғлидан каттаси Бухоро Давлат университетининг математика факултетини битириб, ҳозир мактабда дарс беряпти. Иккинчиси Самарқанд Давлат университетининг физика факултетини тамомлаган. У мактабда ишлаш билан бирга, дарсдан сўнг болаларга қўшимча дарс беради. Учинчиси эса дурадгор — отасига қарашаради. Кенжаси ҳали мактабда ўқийди, бўш вақтларида отасига ёрдамлашади. Бу оиланинг бирон марта нолиганини эшитмайсиз.

Бугунни ғанимат, дейишади. Нафақат пул топиш учун, балки ҳақиқий инсон, оила боши, боринги, эркак бўлиш учун ҳам йигитнинг ўнта бармоғи — ўнта ҳунари бўлиши шарт. Хуллас, қўлида ҳунари бор киши хор бўлмайди. Саришта аёлнинг уйидаги бир қарич латта ҳам ўчоққа бориб тушмайди, бундай хонадонда, албатта, рўшнолик, файзу барака бўлади. Шундай рўзғор барчамиз учун муддао экан, келинг, оилани кўркли қилишга ҳаракат қилайлик. Азиз фарзандларимизни болаликданоқ уқувли, зийрак, ва меҳнаткаш, шу билан бирга, ҳунарли бўлиши учун тайёрлайлик, шунга интилайлик.

Элдорбек АКРАМОВ.

Ажойиб инсон эди

Ҳозир техника асри. Компьютер, телефон, радио, телевизор кабиларнинг чинакам мўъжиза эканига эндиликда кўпчилик унча эътибор ҳам қилмайди. Аслида минглаб, миллионлаб жараёнларни бир зумда бажарадиган компьютер, кишиларнинг узоғини яқин қиладиган телефон, дунёнинг турли бурчакларидаги янгиликларни киприк қоққунча фурсатда етказиб намойиш этадиган телевизор — чинакам мўъжиза. Улар осмондан тушмаган. Уларни инсон яратган. Лекин шу мўъжизаларни айнан ким кашф этган, ўйлаб топган, ясаган? Бу ақлли зот қайси бахтли онанинг фарзанди? Бу она фарзандини қандай вояга етказган? Ёки шахмат бўйича жаҳон чемпионлари ҳам худди ўзимиз каби ўсиб-улғайганми?

Раҳматилла Иноғомов ана шу каби саволларга жавоб бўладиган воқеани гапириб берган эди. Айтишларича, мураккаб техникаларни яратадиган, шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлган кишиларнинг ота-оналари ҳомила сезилиши биланоқ унинг тарбиясига киришган. Аввало, бу хонадонда ичиш, чекиш, бақирмушоҳада қилолмайди. Мияси рисоладагидай ривожланган болалар эса ўқувчилик пайтларидаёқ уч хонали сонларни қоғоз-қаламсиз бемалол кўпайтиришаркан. Бу хусусда «Тал тилсими» қиссасида ҳикоя қилинган. Раҳматилла Иноғомов шахмат бўйича жаҳон чемпиони Михаил Тал ҳаётига бағишланган ушбу асарни иштиёқ билан ўзбекчага ўгирган.

Раҳматилла ака: «Одамнинг ортидан гап қолади. Ҳар кимни амалига қараб, «яхши» ёки «ёмон» деб эслашади. Қизиқроқ гап бўлса, буни асло эсдан чиқаришмайди», — дерди. Ўзининг қиёфаси, кўриниши ҳам кўркам, ҳеч қачон хўмрайиб, тажанг бўлиб юрмасди. Юз-кўзи унинг қалби тоза, вужуди соғлом эканини намойиш қилиб турарди. Санъатнинг шинавандаси эди. Адабиётни, ижодкорларни ардоқларди. Шахмат жону дили эди. Гоҳида ютқазиб қўйган чоғларида ҳам доим кулиб турарди. Чеҳрасидан табассум аримасди. Табассуми кўнгли очиқ, дилкаш инсонлигини билдириб турарди. Ижодкорлар ҳаёти ҳақида мароқланиб гапириб берарди. Қизиқ туюлган нарсаларни секингина суриштириб, мароқли суҳбат мавзусига айлантирар эди. Раҳматилла аканинг Шариф Юсупов, Бахтиёр Исабеков, Адҳам Алимбеков каби қадрдонлари билан гаплашиши бошқаларни ҳам ҳаваслантирарди.

Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов каби устозлари билан кўп мулоқотда бўлгани боис адабиёт санъати оламидаги талайгина гаплардан хабардор эди. У эл эътиборидаги кишилар даврасидаги ғаройиб суҳбатлардан бошқаларни бахраманд этишга иштиёқманд эди. Давралардаги суҳбатларда ҳам, талабаларга дарс ўтаётган пайтида ҳам ижод аҳли ҳаётига оид қизиқ бир воқеани «қистириб» ўтарди. Яхшилар даврасидаги инсонни ҳам жисман, ҳам маънан улғайтириши, унга салобат, кўрк бериши Раҳматилла ака тимсолида аниқ аён бўларди.

Раҳматилла ака курсдошлари, Эркин Воҳидов хонадонидагилар билан қадрдонлашуви, ўзи учрашган, ҳамсуҳбат бўлган ижодкорлар, олимлар ҳақида завқланиб гапириб берарди. Алихонтўра Соғуний даврадошлари суҳбатини эслаганида, юзкўзи чарақлаб кетарди. Ўша пайтда унинг хаёлидан ажойиб хотиралар жонланаётгани ва бундан ғоят мамнун эканлиги билиниб турар эди.

Раҳматилла ака устозлари ҳақида ҳамиша оғзидан бол томиб гапирарди. Айримлар сингари устозлари ортидан балчиқ чапламасди. Шогирдларига ҳам мулойим муомала қиларди. Қадрдонлари у кишига ҳазиллашиб: «Сизнинг ҳеч жаҳлингиз чиқадими? Бу талабаларингиз сизни тинч қўйишадими, йўқми? Шахмат ўйнаётганингизда ҳам тинч қўйишмайди-я!», — дейишса, «Қалампир чайнаб юрмайман», деб лутф қиларди. Раҳматилла аканинг Улуғбек Долимов, Омонулла Мадаев билан қочирим тўла суҳбатларига гувоҳ бўлиш завқли эди. Улар бир-биридан ўтказиб шундай ҳазил-ҳузул қилишардики, ғоят жиддий Бегали Қосимов ҳам мийиғида жилмайиб қўярди. Бахтиёр Исабеков эса завқланганидан қаҳ-қаҳ уриб, хонанинг деразаларини зириллатиб юборарди. Раҳматилла аканинг кулиб, кулдириб юришлари эсга тушса, наҳотки шундай соғлом, қувноқ одамлар ҳам ўтиб кетса, деб ўйланиб қолади киши.

Домланинг дилкашлиги, дўстларига садоқати, бағри кенглиги унинг китобларида ҳам акс этган. Раҳматилла ака қалбини дўстлик, одамгарчилик тўлдириб турганлигини у узоқ йиллар «Қардош халқлар адабиёти» фанидан дарс берганидан ҳам билса бўлади. У адабиётлар дўстлиги ҳақида қатор китоблар ёзди. Ўнлаб роман, қиссаларни ўзбекчага ўгирди. Раҳматилла ака туркман, грузин, қозоқ, қирғиз, Болтиқбўйи халқлари адабиёти тарихидан, улардаги янгиликлардан яхши хабардор эди. Тилга тушган асарларни, албатта, мутолаа қилиб борарди. Уларни тарғиб-ташвиқ этишдан мароқланарди. Унинг таржима ишига қўл уриши ҳам



асли адабиётга меҳри, уни бошқаларга етказиш истаги туфайли эди.

Албатта, ижодкорнинг дўстларига муносабати унинг китобларида аниқ акс этади. Раҳматилла Иноғомовнинг Эркин Воҳидовга эҳтироми «Шоирлик қисмати» китобида акс этган. Бу асар дўстнинг садоқати ва меҳр рамзи эди. Раҳматилла ака унда шоирнинг тилга тушган асарлари қай тариқа яратилганини худди кўриб тургандай мароқ билан ҳикоя қилган. «Шоирлик қисмати» ижодкор шахси, ижод жараёнининг сирли жиҳатлари билан қизиқувчилар учун яхши қўлланма бўла олади. Чунки китобни шоирни яқиндан билган, таниган, унинг қалбини ҳис қилган киши ёзган.

Раҳматилла Иноғомов кишиларнинг чеҳраси ҳам, қалби ҳам гўзал бўлишини истарди. Барчага шуни тиларди. Шу боис бу дилкаш инсон ақлли, санъат, адабиёт, илм-фанда кашфиётлар яратадиган кишилар қандай ўсиб- улғайиши ҳақида мароқ билан сўзларди.

Абдулла УЛУҒОВ.

Хотира

Бир асар таҳлили

«Қора кўзлар»

Услуб давр руҳини ўзида акс эттирмаслиги мумкин эмас. Чунки давр ҳаёт тарзига таъсир ўтказади. Муҳитда рўй берадиган ўзгаришлар ижодкор қалбини забт этади, уни янги-янги таассуротлар ва кечинмалар билан бойитиб боради.

Натижада, ижодкорнинг дунёни кўриши ва тасвирлаши шунга мувофиқлашади. Агар давр ҳодисалари ижодкорни аввалги дунёқараши, эътиқодидан воз кечтириб юборолса, услубда янгиланиш рўй бериши мумкин. Лекин катта қалб эгалари чинакам истеъдодли санъаткорларнинг эътиқоди мустаҳкамлиги сабабли уларнинг услублари ҳам умр бўйи ўзининг асл сифат ва белгиларини сақлаб боради.

Асарларида ўзига хос услуби сақланиб қолган ва шу сабабли китоблари ҳозирда ҳам қўлма-қўл бўлиб келаётган шундай катта қалб эгаларидан бири Пиримқул Қодировдир.

Адибнинг замонавий мавзудаги асарларида ўзига хослик барқ уриб туради. Шубҳасиз, булардан бири «Қора кўзлар» романидир. Муаллиф романда чўпонларнинг машаққатли, аммо шарафли меҳнатлари самарасини, давр талабини ва инсонпарварлик бурчларини бажарганликларини моҳирона тасвирлайди.

Ёзувчи роман руҳиятини очишда яратган қаҳрамонларининг характерлари, бажараётган ишларидан келиб чиқиб уларни номлайди. Масалан, иқтисодчи бўлиб ўқиб келган, ўз замонасининг етук кишиси Замонали, порадан ҳайиқмайдиган, бошлиқлар қалишига пайтава бўлишгача борадиган, мансабпараст Давлатбеков, рухсори гўзал бўлган Ҳулкар, овози ҳаммани мафтун эта олган Жаннатхон, мансаб деса укасини ҳам аямайдиган Ортиқ, шаллақилиги билан донг таратган Суюма ўз исмлари билан ҳам характерларини намоён қиладилар.

Асарда Ҳулкарнинг чўпон бўлиб тоққа чиқиб кетиши — бош мавзу. Ваҳоланки, бу нарса ақлга сиғмайдиган воқеа. Мана бу парчага эътибор қилайлик:

«Аваз шу куни кетганича тўрт кун ўтгандан кейин жийрон қашқа от миниб келди-ю:

— Дада, мен Ҳулкарни олиб кетаман, - деди.

— Қаёққа?

— Қўйга-да, тоққа.

Ҳулкар бир сидра кўрпаёстиқларини, ҳатто батареяли радиоприёмникни ўраб қўйган экан, айвончага кўтариб чиқди. Санам хола буни кўриб:

— Ҳой, ўйлаб гапиряпсанми? – деди ўғлига. –Бу қишлоқ бино бўлгандан бери аёл киши тоғда қўй боққан эмас-а!

— Қўй боқмайди, рўзғор ишларини қилади.

— Вой шарманда! Уятнинг тагида қолиб кетамизку!.."

Бир қарашда бу тўғридек туюлади. Аслида ёзувчи ҳар ким ҳам тушунмайдиган, лекин баъзида англаб қоладиган маънони асарнинг руҳиятига усталик билан яширган. Илгари шу каби таг маъноларга юк бағишлашга мажбур эдилар. Ўша кезларда аёл трактордa пахта теради, жувонлар сувоқ, бўёқ бўяш ишлари билан машҳур, деб бонг урилар эди. Булар ўзбек аёлини оғир меҳнатга чорлаш эди. Аммо инсон соғлиғи керак эмас эди. Буларнинг барчаси ижодкорнинг дардига айланган эди.

Адиб табиат манзараларини ҳар бир деталларигача қаламга олади: «Кечаси билан ёмғир ёққан эди. Эрталаб тоғ қаршисидаги кенг текисликдан офтоб чарақлаб чиқди. Тоғдан ошиб ўтолмаган қорамтир булутлар ён бағирларни бекитиб, чўққиларга тиралиб, бурқсиб ётар эди. Офтоб баландроқ кўтарилди-ю, булутлар тарқаб, тоғларда ҳам ҳаво очилиб кетди".

Бу сатрларни ўқиган киши ўзини ўша ажойиб қишлоқда кўради гўё. Манзараларни ўз кўзи билан кўраётгандек бўлади. Зеро, ёзувчи нимани тасвирлашга киришмасин, худди табиатнинг ўзидаги каби ёзади. Бунда адиб воқеликни бировлар кўзи билан кўриб, бировлар сўзи бўйича айтмайди. Мумкин қадар ўзи кузатган, ўзига илгаридан маълум бўлган ва зеҳни илғаган, идрокида яшаб келаётган нарсалар орқали кўриб ўзлаштиради.

Романдаги бош қаҳрамон Аваз ва Ҳулкарлар дунёсидаги олижаноблик билан ташқи оламдаги шароит орасида кескин конфликт юзага чиқади. Қарамақаршилик асарни юқори нуқтага олиб чиқиб, воқеаларнинг давомийлигини таъминлайди. Ҳар бир қаҳрамоннинг сўзи ундан аввал гапирган персонажнинг сўзи нутқидан келиб чиққандек таассурот қолдиради.

Масалан: «Замонали унинг кўкрагига, кителининг орден тақиладиган жойига атайин бир кўз ташлаб олди-да:

— Орденлар қишлоқларни кўтарганларга ярашади, — деди. — Қамбар ота, бу қишлоқни каттаевлар чўктирган бўлса, уни яна кўтарган мард қани?

Давлатбеков ўзига қаратилган истеҳзони тушуниб, ранги оқариб кетди. Ортиқ Замоналига ўшқирди:

— Сен отангнинг қасдини оламан деб, ҳаммага тил теккизаверма лекин!..»

«... — Майли, қочинг, — деди Замонали Исмат бобога нафрат билан кўз ташлаб.

— Сиз чаёндай чақиб қочишнинг машқини олгансиз.

— Ўзингиз чаёндан ҳам заҳарлироқ кўринасиз–ку, мулла йигит! — деди Давлатбеков.

— Кўзи ожиз мўйсафидга шундай дейишга қандай юзингиз чидайди?

— Бу "мўйсафид"нинг менинг отамни чақиб қаматишга қандай юзи чидаганикин?!».

Замоналининг теран фикрлари билан Давлатбеков ва Ортиқлар ўртасидаги зиддият, асардаги бош ғоя Ойкўл қишлоғининг эртаси билан боғлиқ. Замонали кабиларнинг фикрлари билан адиб бошқаларни олға ундайди.

Асарда Аваз кўз ўнгимизда тобора ёрқин гавдалана бошлайди. Хусусан, романнинг бош қисмидаги меҳнаткаш, оми Аваз, романнинг охирида кишини ҳайратга соладиган даражада ажойиб ишларни амалга оширади. Пиримқул Қодировнинг асарларида китобхон билан ижобий маънода ҳисоблашиш мавжуд. Адибнинг қай бир замонавий асарини ўқимайлик худди ҳаётдаги каби разил шахслар устидан замон билан ҳамнафас инсонларнинг мағрурона ғолиб чиқишини кўрамиз.

Аксарият эпик асарларда муаллифлар ҳаётга бўлган муносабатларини, илгари сурадиган ғояларини, асосан, ижобий қаҳрамонларни салбийларига қарши қўйиш йули билан ифодалашга ҳаракат қиладилар. Пиримқул Қодиров услубига хос хусусиятлардан яна бири, у адабиётда кенг тарқалган бу йўлдан иложи борича фойдаланмасликка интилади. «Қора кўзлар»да ҳам буни кўриш мумкин. Асарда ижобий қаҳрамонлар салбий қаҳрамонларга қарши курашмайдилар, балки уларни тўғри, замон талаб қиладиган йўлдан юришга ундайдилар. Шу билан воқеа якунида яхшилар, ёмонлар устидан ғолиб бўлиб эмас, балки биргаликда ажойиб Ойкўл қишлоғини барпо этадилар.

«Қора кўзлар» романи, асосан, чўпонлар ҳаёти ҳақида. Унда ёзувчи иллатларни зўр маҳорат билан қаламга олади. Асар ўзига хос услуби билан ажралиб туради.

Ижодий жараён ёзувчининг ички дунёсида оловлана бошлаган пайтидан то уни ёрқин образлар орқали китобхонларнинг қалбига етказиб берганига қадар муттасил ўзгаришда бўлади. Шу тариқа у халқнинг маънавий ҳаётини бойитади.

Атоқли адибимизнинг қаламига мансуб «Қора кўзлар» романининг яратилганига роппа-роса қирқ йил тўлди. Даврлар ўзгарди, лекин чинакам бадиий асар жозибаси ўзгаришларни енгиб, китобхонларни ўзига мафтун этиб келмоқда.

Санобар ОЛТИБОЕВА,
ЎзМУ аспиранти.

БОЖХОНАЧИЛАР — ЭКОЛОГИЯ ЖОНКУЯРЛАРИ

Давлатнинг иқтисодий суверенитети ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда божхона хизмати органлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Божхоначилар зиммасига давлат чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтишдаги назорат, бож тўловларини ундириш ва расмийлаштириш ишларини амалга оширишдек масъулиятли вазифа юклатилган. Бу иш давлат бошқарувининг бошқа органлари ва маҳаллий органлари билан ҳамкорликда бажарилади.

Давлат божхона хизмати органлари ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 мартдаги 135-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг Интизомий устави", "Божхона қонун ҳужжатларини бузган шахсларни маъмурий ушлаб туриш тартиби тўғрисида"ги Низом ва бошқа меъёрий ҳаҳамиятга эга бўлган ҳужжатларга асосан амалга оширадилар. Юқоридагиларга мувофиқ, давлат божхона хизмати органларининг экологик функциялари ҳам мазкур қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатлар талабларига кўра бажарилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва постлари божхона назоратининг бир йўналиши сифатида экологик функцияни амалга оширувчи ваколатли субъектлар ҳисобланади. Экологик функцияни амалга ошириш жараёнида божхона органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига амал қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддаси 1-қисмида божхона органларининг экологик функцияси бевосита мустаҳкамланган, яъни божхона органлари давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш чора-тадбирлари амалга оширишга кўмаклашишга мажбурдирлар.

Қонунчиликда тўғридан-тўғри белгиланмаган, лекин экологик функцияни амалга оширишда умумий тартибда қўлланиладиган функциялар ҳам мавжуд. Хусусан, божхона хизмати ходимлари товарлар ва транспорт воситаларини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса жисмоний шахсларнинг ўзини кўздан кечириши, товарлар ва транспорт воситаларини, шунингдек, зарур ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиши, божхона назоратидан ўтказиш мақсадида товарлар ҳамда бошқа буюмлардан намуна ва нусхалар олиши мумкин. Белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар сақланаётган ҳудудларга ва биноларга кириши, божхона ҳақидаги Қонун ҳужжатларининг бузилишига доир материалларни кўриб чиқиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиши табиий ҳол. Экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётганда, шунингдек, акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар мамлакатимиз ҳудудига олиб кирилганда, транспортировка қилинганда ва сақланганда уларни мусодара этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, суриштирув ўтказиш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, божхонага оид ҳуқуқбузарликларни аниқлашга хизмат қиладиган техникавий ва махсус воситаларни қўллаш ишлари амалга оширилади.

Божхона органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198 ва 227-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш мақсадида шахсини аниқлаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, шунингдек, шахси аниқланмаган, ўзи ҳақида анкета маълумотларини маълум қилмайдиган ёки ёлғон маълумотлар берадиган ҳуқуқбузарларни маъмурий ушлаб туришга ҳақлидирлар. Бу жараёнда божхона органлари ходимлари содир этган хатти-ҳаракатлар устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Божхона органлари ўз зиммаларига юклатилган ваколатлар, яъни божхона ҳақидаги Қонун ҳужжатларига риоя этилиши, божлар тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишга, божхона ҳақидаги Қонун ҳужжатларини қўлланиш бўйича белгиланган тартибда услубий кўрсатмалар ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни нашр этишга масъулдирлар.

Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ божхона иши, контрабандага, гиёҳванд воситалар, психотроп моддаларнинг ғайриқонуний муомаласига қарши кураш масалалари ҳамда ўз ваколати доирасидаги бошқа масалалар бўйича хорижий давлатларнинг божхона ва бошқа органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади.

Бу жараёнда халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган кўрсаткичларга мувофиқ равишда атроф-муҳит билан боғлиқ регионал, миллий ва глобал кўрсаткичлар қатъий назорат қилиб борилади. Шунингдек, атроф-муҳит муаммолари ечимини ахтариш ва табиатни муҳофаза қилиш технологияларини эркин алмашишни таъминлаш каби ишлар амалга оширилади.

Божхона ишини ташкил қилишни яхшилаш, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашда республика божхона органларининг ролини кучайтириш, шунингдек, божхона иши соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган. Унда контрабандага, божхона қонунчилиги бузилишига қарши кураш, наркотик моддалар, психотроп ва портловчи моддалар, қурол-яроғ, валюта бойликлари, миллий бойлик ҳисобланувчи бадиий, маданий-тарихий ва археологик мерос буюмлари, ақлий мулк объектлари республика чегараси орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига чек қўйиш вазифаси юклатилган.

Божхона органларининг экологик функциясини кучайтириш учун табиатни муҳофаза қилиш ваколатига эга бўлган давлат органлари билан биргаликда экологик ҳуқуқбузарликлар кўплаб содир этилаётган ҳудудларда аҳволни яхшилаш учун минтақавий чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиши зарур, деб ўйлайман.

Жамшид РАҲМОНОВ,
ТДЮИ талабаси.

МУҲАББАТ — ЧИРОЙЛИ КАПАЛАК

Ҳамма нарсанинг аввали Сўз бўлгани каби, интиҳоси ҳам Сўздир. Шоирнинг қалби Сўзнинг ватани, демак, шоир учун ўз қалбидан ўзга ҳимоя йўқ. У оддий халқ билан бирга яшаса-да, лекин ўй-хаёллари анча юксакда. Халқимиз: «Шоир аҳли осмонда яшайди», деб бекорга айтмаган.

Дунёда муҳаббат мавзуидаги шеърлардан ҳам гўзалроғи бормикан?! Аслида, шеърларида муҳаббатдек покиза туйғуни куйламаган шоирнинг ўзи бормикан бу дунёда?! Менимча, йўқ. Чунки шоир бу дунёга шоир бўлиб келибдики-,аввалбошданоқ ишқ аталмиш бедаво дардга чалинган бўлади. Шоирни ҳижрон азобида ўртагувчи ҳам, уни қўлига қалам олдириб куйлатувчи ҳам ана шу ишқ, муҳаббат дардидир. Шу боисдан ҳам салкам минг йиллик шеъриятимизда гўзал ташбеҳлар ила куйланган муҳаббат мавзуидаги шеърлар салмоқли ўринни эгаллайди.

Ўз шеърларида покиза муҳаббатни тараннум этган марҳум шоир Шавкат Раҳмон бир шеърида бу олий инсоний туйғуни тутқич бермас чиройли капалакка қиёслайди:

Муҳаббат-чиройли капалак,
Қўрқаман шўрликни тутгани...

Ёдингизда бўлса, сизу-биз болаликдан кўп бора капалак қувлаганмиз, ўша чиройли жонивор узуккун бизни маҳлиё этган. Ушбу шеър лирик қаҳрамони ҳам муҳаббати тимсоли бўлган капалакни тутолмай доғда. Лекин тутиб олишга ҳам қўрқади. Нима учун?

Ошиқ бутун умр муҳаббатига интилади. Лекин етолмайди. Етиб бўлмас тилак ҳамиша ширин бўлади. Шундай экан, интилиб яшашнинг ҳам завқи бўлакча-да.

Оппоқ тилаклар билан йўғрилган муҳаббатнинг қарорқилари кўп бўлади. Икки ошиқнинг пок севгисини кўра олмайдиган тўғаноқлар бисёр. Муҳаббатини қадрлаган қалб бундан қаттиқ изтиробга тушади. Шоир ранжиган қалбини болага ўхшатади. У ёмонликлардан озурда қалбини овута олмай ҳайрон. На эрмак, на таскин яра қалбига малҳам бўла олади:

Юрагим ранжиган боладай,
На эрмак, таскинга кўнади...

Ошиқ шоирни ўт-оловга ташлаган муҳаббат эса ҳали ҳам беғубор қалбларга меҳмон бўлишдан толмаган. Ҳали ҳам ўз чиройидан маҳлиё, ғам кўрмаган гулларга кўнади. Қанчадан-қанча соғ, пок юракларни ўзининг дардли кечинмалари билан яралаяпти:

Муҳаббат-чиройли капалак,
Ҳали ҳам гулларга кўнади.

Муҳаббат — мағрурликни севади.Софликни ардоқлайди. Муҳаббат дастурхон эмас, у муқаддас,азиз туйғу. Уни кўз-кўз қилиш ярамайди.У ошиқнинг қароғлари ичида, киприклари устида яшаш учун яралган.

Муҳаббат — сеҳибини бало-қазолардан асрашга қодир.У қоронғи кечаларни машъал бўлиб ёритгай.

Муҳаббат — ғолиб яшашни севади.Муҳаббат кўзлаган мақсад олис. Гоҳида сахролардан ўтади, гоҳида беҳишт боғларидан. Боғлардан ўтаётганда ўзидан кетмаслиги, сахродан ўтганда йиқилмаслиги керак.

Ҳаётнинг ҳар куни байраммас. Изтироблари ҳам мўл. Ошиқ дардига малҳам тополмаган мотамсаро қалам соҳиби қалам ичида юради,кўнгил ичида ухлайди:

Капалак қувганим ёдимда,
Ёдимда йўқ аммо етганим.

Ошиқ севгисини тутолмай доимо ёр васлига зор.Муҳаббат қалбида ҳукмрон бўлган ошиқнинг висолга интилгани яхши.То висолга етгунича бўлган масофада ҳижрон унинг севгисини янада мустаҳкамлайди.Чинакам севги шайдоси бўлган ошиқ муҳаббатнинг ҳамма инжиқликларини кўтаради. Ва у биладики,бу ҳижроннинг адоғи бор, у бир куни бу телба қалбга ҳам висолни олиб келади.

Умиджон ЖАҲОНГИРОВ,
ТошДТУ I курс толиби.

Бир ишқ...

Битта Ишқ дунёга етиши мумкин,
Сенсиз ҳаётимда қолармиди ранг.
Уйғонолмай ўтиб кетишим мумкин,
Ўзинг кўзларимга кириб келмасанг.

Яшашга етади қалбимнинг кучи,
Ишон, кўзларингга тегмайди ғубор..
Истасанг, шартлар қўй ёнмоғим учун,
Майли, ўтга юбор, оловга юбор.

Фақат менсиз бахтнинг олдига борма,
Нимага яралдим Вақтдай елмасам?
Юрагингни берма, борингни берма,
Умрингга қуёшлар олиб келмасам.

Кафтимга юлдузлар қўндириб келай,
Буюк эканимга ишонтир, тегин.
Бориб осмонларни ёндириб келай,
Жоним, яна битта «севмайман» дегин...

Беҳзод ФАЗЛИДДИН

Менсиз бахтнинг олдига борма...

***

Наҳот, шеърларимга кунингиз қолди,
Она, айланишдан тўхтамоқда Ер.
Кўзингизга боқиб, тилим ўйқолди,
Ахир пойингиз — шеър, қадамингиз — шеър.

Қачон зардоблорим топади барҳам,
Мен қачон тўкилиб бераман Сизга?
Жонимдан товонлар тўлаб борсам ҳам,
Умрим арзимайди дардларингизга.

Илҳом парилари чўрингизмиди,
Бир назар солсангиз, қошингизда жам.
Умрим бу — энг маҳзун шеврингизмиди,
Шоиргина Онам, шоира Онам?

Дунё сўз сўрайди мендан, жўрттага,
Шамоллар устимдан кулган бўлади.
Бугун чидаб турай, Она, эртага
Мени ғамларингиз Шоир қилади.

Бахт

Бахтни ҳар ким ҳар хил тушуниши мумкин. Ҳамма бахтли бўлишга ҳақли. Аслида бахт нима?

Инсоннинг бу дунёда борлиги — олий бахт. Соғлиқ, хотиржамлик меъёрий ҳаёт тарзи ҳам аслида бахтнинг бир кўринишидир.

Бахт ёнгинасида бўлса-да, негадир инсон уни бошқа ерлардан излайди. Умр бўйи орзу қилган бахтга ниҳоят эриша бошлаганда, инсонда англаш ҳисси айбдорлик туйғусини уйғотади. Шунда ўзи ҳам бундай ғалабага муносибманми, деб ўйлай бошлайди. Ўз орзуси йўлида қийинчиликларни бошдан кечирганларини, кўплаб нарсаларни қурбон қилганини ёдидан чиқаради.

Баъзи одамлар машаққат чекиб бахтга эришишига атиги икки қадам қолган сўнгги дақиқаларда ортга чекинади. Натижада, қўл узатса етгудек бахтдан маҳрум бўлади. Бахтнинг манзилини ишғол қилолмай қолади...

ИНСОН БАХТЛИ БЎЛИШИ КЕРАК, МАБОДО БАХТСИЗ ЭКАН, БУНГА ЎЗИ АЙБДОР.

Л.Н.Толстой

Инсон бахтли бўлмоғи учун ҳалол меҳнат қилмоғи, тўсиқларни енгиш йўлида сабр билан курашмоғи, умид билан яшаши керак. Бир кун келиб тақдирланадиган ҳалол меҳнатлари рағбати ҳам бахтнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Ўша умидлар билан яшагандагина тушкунликка тушиб қолмаслиги, ҳар қандай ёмон йўлларга кириб кетмаслиги мумкин. Бахт инсон ҳаёти йўлида эриша олиши мумкин бўлган нарса, қолаверса, Оллоҳ томонидан берилган муқаддас неъматдир.

Баҳром РАУПОВ,
ЎзМУ талабаси.

Халқаро воқеалар

ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИ СОНИ 5427 ТАГА ЕТДИ

Шанба куни Индонезиянинг Ява оролида юз берган зилзила туфайли қурбон бўлганлар сони 5427 нафарга етди. Бу ҳақда Индонезия ижтимоий таъминот вазирлиги расмийлари маълумот беришган.

Эпицентри оролнинг марказий қисмида жойлашган бу зилзиланинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,9 баллни ташкил этган.

Бир неча кунлардан буён воқеа жойида ишлаётган қутқарувчилар зилзиладан сўнг тирик қолганларни топиш эҳтимоли камлигини қайд этишмоқда.

Ҳозирда деярли 20 минг жароҳат олган одам тез ёрдам олмоқда, Ява оролининг 200 минг нафар фуқароси эса бошпанасиз қолган.

Индонезияга БМТ, Австралия, ХХР, Малайзия, Покистон, Саудия Арабистони, Сингапур, Франция ва Чехия каби давлатлардан халқаро ёрдам келиб тушган. Шу билан биргаликда, Индонезияга етиб келган халқаро кузатувчилар хориждан юборилган ёрдам, аввало, тиббий ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўплаб ҳолларда йўлларнинг ёмонлиги натижасида зилзиладан зарар кўрган ҳудудларга ўз вақтида етиб бормаётганлигини таъкидлашган.

Мутахассислар зилзила оқибатлари янги балони юзага келтириши мумкинлигини маълум қилишган: бошпанасиз қолган ўн минглаб одамлар эндиликда юқумли касалликлар гирдобига тушиб қолиши эҳтимоли мавжуд. Кўрсатилаётган ёрдамга қарамасдан, воқеа жойида янада кўпроқ госпиталлар ва шифокорларга эҳтиёж сезилмоқда.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ "SMS" ВА "E-MAIL"ГА СОЛИҚ СОЛМОҚЧИ

Европа Иттифоқи парламенти SMS-хабарлар ва электрон почта учун солиқ жорий этиш ҳақидаги қонун лойиҳасини муҳокама этмоқда. Бу ҳақда Sydney Morning Herald хабар беради.

Солиқ қиймати битта SMS учун 1,5 евроцентни, электрон почта учун эса 0,00001 евроцентни ташкил қилади. Лойиҳанинг техник жиҳатлари, яъни электрон хатлар сони қандай ҳисобланиши ҳозирча маълум қилингани йўқ.

Лойиҳа муаллифи, француз депутати Ален Ламассурнинг сўзларига қараганда, ЕИ фуқаролари томонидан кунига миллиардлаб жўнатилаётган хабарлардан солиқ олиниши иттифоқ бюджетини яхшигина тўлдириш имконини берар экан.

Ҳозирда ЕИ бюджети импортга жорий қилинган божлар, қўшимча қиймат солиғи ва аъзо давлатлар томонидан ажратиладиган маблағ ҳисобига шакллантирилади.

КОЛУМБИЯ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛАНДИ

Колумбияда президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Унда амалдаги президент Алваро Урибе ўз лавозимига қайта сайланган.

Сайлов натижалари ҳозирча расмий равишда эълон қилинмаган, аммо якуний натижалар маълум — сайлов бюллетенларининг 80 фоизга яқини ўрганиб чиқилганда, Алваро Урибе 62 фоиз сайловчилар томонидан қўллаб-қувватлангани маълум бўлди. Мамлакат қонунчилиги бўйича сайловда ғалаба қозониш учун сайловчиларнинг 50 фоиз овози кифоя.

А.Урибенинг рақиби ўз мағлубиятини тан олган. Хориж оммавий ахборот воситаларида Алваро Урибе АҚШнинг Лотин Америкасидаги асосий иттифоқдоши эканлиги ҳақидаги маълумотлар тарқатилган.

«ХАМАС» ЖИДДИЙ БАЁНОТ БЕРДИ

«Хамас» Исроил давлатини тан олмайди, чунки ўз навбатида, Исроил «фаластинликларга мустақил давлат тузиш учун умуман имконият бермаяпти».

Бу ҳақда мухторият ташқи ишлар вазири Маҳмуд аз-Захар маълум қилган. У Малайзияда ўтаётган Қўшилмаган мамлакатлар ҳаракати вакиллари конференциясида иштирок этмоқда.

Шунингдек, Маҳмуд аз-Захар Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббоснинг умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақидаги ташаббуси ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Унда фаластинликларга Исроил давлатини дипломатик равишда тан олиш ва бу давлат билан музокараларни қайта тиклаш масаласи кўриб чиқилиши керак эди. Вазирнинг айтишича, бу "маблағни ҳавога сарфлаш билан баробар".

"Фаластинда ҳеч ким на Исроилга, на Америкага ишонади. Америка бизнинг халқимизни бўғаяпти", — қайд этди Маҳмуд аз-Захар.

КАНН КИНОФЕСТИВАЛИ ЛАУРЕАТЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Жаҳон кино оламида жуда катта нуфузга эга бўлган Канн кинофестивалининг бош соврини – «Олтин палма шохчаси»га бу йили британиялик режиссёр Кен Лоучнинг «Шамол кўтарилмоқда» филми лойиқ деб топилди.

Филмда Ирланд республика армиясининг вужудга келиши ва фуқаролик уруши ҳақида ҳикоя қилинади.

"Энг яхши сценарий" номинацияси бўйича испаниялик Педро Алмодовар "Қайтиш" филми билан ғалаба қозонди. "Энг яхши постановка" учун соврин "Бобил" ("Вавилон") филми режиссёри — мексикалик ёш ижодкор Алехандро Инярритуга берилди.

Биринчи марта энг яхши роллар учун совринлар актёрлар жамоаларига тақдим қилинди. "Энг яхши эркак актёр роли" номинацияси бўйича иккинчи жаҳон урушида африка ҳарбийлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи "Келгиндилар" филми, "Энг яхши аёл актёр роли" – "Қайтиш" филмида ажойиб рол ижро этган Пенелопа Крус бошчилигидаги аёллар жамоаси ғолиб деб топилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ёруғ манзилларга элтар бу йўллар...

ИСКАНДАРИЯ МАЁҒИ



Искандар Зулқарнайн исми билан боғлиқ ажойиботларнинг энг сўнггиси Искандария маёғидир.

Искандария эрамиздан аввалги 332 йили Ракотис деб номланган Миср шаҳри ўрнида, Нил дарёси қирғоғига қурилган бўлиб, махсус лойиҳа асосида барпо этилган дастлабки қалъалардан бири эди.

Искандарияда улуғ Искандарнинг тобути турган, шунингдек, санъат ва илм-фаннинг маркази бўлмиш муза ўрдаси — мусейон ҳам шу ерда бўлган (ҳозирги "музей" сўзининг асл келиб чиқиши ҳам мана шу сўз билан боғлиқ). Мусейон ҳам илм-фан академияси, ҳам олимларнинг ётоқхонаси, ҳам техник марказ, ҳам ярим миллионга яқин китобга эга бўлган маскан эди. Ўша даврда оламда унга тенг келадиган кутубхона саноқлигина бўлган.

Искандария дунё юзида энг маданиятли ва халқи кўп шаҳар бўлиб, бу ерда савдо-сотиқ ривожланган, одамлари ишбилармон, тадбиркор бўлишган. Шу сабабли шаҳардан дунёнинг тўрт томонидан келиб савдо-сотиқ қиладиган саёҳатчилар, савдогарлар, тижоратчилар қишин-ёзин аримаган. Ниҳоят, шаҳар маъмурияти денгиз йўлининг хавфсизлиги учун Искандарияга кираверишдаги Фарос оролида маёқ қуриш учун махсус қарор қабул қилади. Эрамиздан аввалги 285 йили орол билан қуруқликнинг ўртасига дамба солиш учун меъмор Сострат Книдский ишга киришади. Ҳисобсиз флот ва тош қазувчилар ёрдамида 5 йил давомида тикланган иншоотни қуришда қурувчилар мусейон академиясининг ютуқларидан фойдаланишган.

Маёқнинг баландлиги 120 метр бўлиб, уч қаватли минорадан иборат бўлган. Миноранинг олтмиш метрли дастлабки қавати тош-тахталар, қирқ метри эса оқ мармар тош билан қопланган. Колонналар билан квадрат шаклида кўтарилган, устида аланга ёниб турган учинчи қаватдан ўта катта ҳажмдаги ойналар шуъла сочиб турган. Юз метрли баландликка кўтариладиган кенг ва текис айланма зиналар орқали аравалар тинимсиз ўтин ташишган.

Маёқ Искандария учун ҳам қўрғон, ҳам қоровул минораси вазифасини ўтаган, унинг ёруғи ўнлаб километр масофадан кўринган. Душман флотининг қалъага яқинлашиб келаётганини олдиндан кўрсатган. Минорага, шунингдек, шамол оқимини ўлчайдиган флюгер, астрономик асбоб ва соат каби бир неча техник ускуналар ўрнатилган. Бундай тенги йўқ қудратли ва бебаҳо иншоотнинг муаллифи Сострат Книдский вақти келиб одамлар мени эсдан чиқаришлари мумкин, деган хаёлда маёққа "Книддан чиққан Декетифоннинг ўғли Сострат денгизчиларни хавф-хатардан сақловчи Тангрига бағишлади" жумласини тошга ўйиб ёздирган. Бу ёзувнинг усти кейинчалик сувоқ билан беркитилганлиги ошкора бўлиб қолади. Сувоқ устига Птолемейнинг исми-шарифи ўйиб ёзилади. Албатта, бу найрангни ишлатганда Сострат сувоқ тушиб кетгунича яшамасам керак, деб умид қилган, подшонинг қаҳрига учрашини ўйламаган.

Состратнинг ёзувини Рим саёҳатчилари кўришган. Ўша вақтда маёқ ўз аслида бўлган. Рим империяси емирилгач, маёқ ҳам атрофга ёруғлик тарқатишини тўхтатган. Бундан кейинги юз йилда обдон тўзиб, нураб, устки минораси қулаган. Пастки қаватининг деворлари узоқ сақланиб турганига қарамасдан у ҳам XIV асрдаги ер силкинишининг қурбони бўлган. Қадимий маёқнинг қолдиқларидан кейин турк қалъасини қуришда фойдаланилган. Искандария маёғининг қайта тикланган лойиҳасига Нью-Йоркдаги ҳозирги осмонўпар "Эмпайр Стейтс Билдинг" биноси ўхшаб кетади.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ

Сут ўта фойдали

* * *

Сутдаги калций, кобалт тузлари, мис ва темир моддалари гемоглабинни купайтиради. Сутни меъда яраси ва ўн икки бармоқ ичак касаллигида, сурункали гастритда истеъмол этиш тавсия қилинади. У юрак, жигар, буйрак касалликларини даволашда фойдали.

* * *

Сутдаги лецитин моддаси қон-томирлар склерозининг олдини олишда муҳим восита. Илиқ сут ухлатиш хусусиятига ҳам эга.

* * *

Эчки сути ўзининг кимёвий таркибига кўра сигир сутига жуда яқин туради. Эчки сутида калций ва фосфор бирмунча кўпроқ бўлади. В, РР, С, Д, айниқса, А витамини эчки сути таркибида кўп.

* * *

Эчки сути ёғ ва оқсилларга бой. Уларни организм тезда қабул қилиб олади. Эчки сутидаги ёғ шарчаларининг катталиги деярли икки баравар кичик, оқсиллар нозикроқ бўлади. Шу сабабли эчки сутини сунъий овқатлантирилаётган ёш гўдакларга ҳам берса бўлаверади.

* * *

Эчки сути катталарга ҳам, айниқса, рахит касаллиги бошланган ёш болаларга ҳам жуда фойдали.

Аҳкам Олам

Ҳар йили илон чақишига қараганда асалари чақишидан кўпроқ одам ўларкан.

***

Барча одамлар тилининг изи бармоқ излари каби индивидуалдир.

***

12-қаватдан пастга тушаётган мушукнинг 7-қаватдан тушаётган мушукка қараганда тирик қолиш эҳтимоли кўпроқ экан.

***

Ердаги тирик мавжудотларнинг 70 фоизини бактериялар ташкил қилади.

***

Виржиния Вулф ўзининг кўпгина китобларини тик турган ҳолда ёзган.

***

Монаконинг миллий оркестри унинг армиясидан ҳам кўпроқ.

***

Фил — тўртта тиззага эга бўлган ягона ҳайвон.

***

Аляскaнинг байроғи 13 ёшли бола томонидан яратилган.

***

XV аср тиббиёт мутахассислари қизил рангни даволовчи, деб ҳисоблашган. Шу боис беморга қизил кийим кийдириб, атрофига шу рангдаги нарсаларни йиғиб қўйишган.

Моҳира АБДУРАҲМОНОВА тайёрлади

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-80
136-56-29
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 723.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00